

Ҳақиқат, яхшилик, фойда элагингиз тешилмаганми?



17:05 / 18.12.2019 2406

Кимга нимадир айтишдан, ғийбат қилишдан олдин ўйлаб кўрсак яхши бўларди.

Бир киши донишманддан сўради:

-Дўстингиз сиз ҳақингизда нима деганини айтайми?

-Шошма, -деди донишманд, - аввал айтмоқчи бўлган гапингни учта элакдан ўтказ.

-Учта элак?

-Бирор гапни айтишдан олдин, уни учта элакдан ўтказиш лозим.

Аввал **ҳақиқат** элагидан. Айтмоқчи бўлган гапинг ҳақиқат эканлигига ишончинг комилми?

-Йўқ, мен уни шунчаки эшитдим, холос.

-Демак, сен унинг рост ёки ёлғонлигини билмайсан.

Энди иккинчисини – **яхшилик** элагидан ўтказамиз.

Сен менга дўстим ҳақида бирор яхши гапни айтмоқчимисан?

-Йўқ, аксинча.

-Донишманд, - сен менга ҳақиқатлигини билмай туриб ёмон хабарни етказмоқчисан.

Кейинги учинчи элак - **фойда** элагидир. Сенинг гапингни эшитишим шартми, у менга фойда келтирадими?

-Йўқ, ҳожати йўқ.

-Демак, -хулоса қилди донишманд, - сен етказмоқчи бўлган хабарда ҳақиқат ҳам, яхшилиқ ҳам, фойда ҳам йўқ экан.

Унда уни менга айтиб нима қиласан?

Хулоса ўзингиздан...

PS: Элагингизни тез-тез кўздан кечириб туринг. Шунда курмакларингиз кимнингдир ошига тушмайди.

Islom.uz портали таҳририяти